

Худудни мувозанатли ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Бош режаси қабул қилинди. Унда шаҳарнинг қурилиш режалари, муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳофаза худудлари бўйича асосий кўрсаткичлар белгиланган.

“Ечимлар атласи” ушбу Бош режанинг мантиқий давоми бўлиб, унда шаҳарнинг ташқи қиёфаси, кўчалар муҳити бўйича умумий талаблар қайд этилган. Бу каталог-маълумотнома қурилмаларни лойиҳалаштириш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини қамраб олган бешта китобдан иборат. Ҳар бир қисмда жамоат жойларини ташкиллаштириш ва ободонлаштириш, биноларнинг ташқи қисмини ягона меъморий қиёфага келтириш бўйича тавсиялар берилган.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент ва Янги Тошкент шаҳри учун “Ечимлар атласи” тақдимотида

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

adolat24.uz/

t.me/Gazeta_Adotlat

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

№ 27 (1544) 2025-ЙИЛ 11-ИЮЛ, ЖУМА

Муносабат



ЙЎЛЛАРДА

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ!

Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши мамлакатимиз учун энг оғриқли нуқталардан бирига айланган муаммонимиз ечимига давлат миқёсида қанчалик жиддий ёндашилаётганини яна бир қарра намоён этди.

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йилнинг ўзида 2 203 нафар фуқароимизнинг ҳаётдан бевақф кўз юмгани, ҳар тўртинчи авария ўлим билан аяқланаётгани — барчамизни хушёрликка чорлаши, масъулиятни чуқур ҳис этишга ундаши шарт.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган янги ташаббуслар ва дастурлар партияимизнинг ғоялари

билан ҳамоҳанг эканлиги биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Бу, ўз навбатида, олдимизга белгилаб олган мақсадларимизни ҳаётга самарали татбиқ этиш имкониятидир.

Биринчидан, Президентимиз томонидан илгари сурилган “Сурункали қоидабузарлар” дастури ва қоидабузарликлар учун жазо чораларини кучайтириш, хусусан, тезликни

2-3 қарра оширганларни ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш таклифи — “Адолат” СДПнинг ашаддий қоидабузарларга нисбатан муросасиз кураш олиб бориш ҳақидаги позициясига муштарак ва айни давр учун муҳим ташаббусдир. Зеро, “Жаримани тўлаб, билганимдан қолмайман” деган қарашга энди ўрин бўлмайди.

Биз бу борадаги чораларни янада кучайтириш тарафдоримиз ва ўзимизнинг энг қатъий таклифимизни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз: *транспорт воситасини маст ҳолда бошқариб, одам ўлимига сабабчи бўлган шахслар умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши шарт.* Бу адолатнинг энг олий кўриниши бўлар эди.

Иккинчидан, хавфсиз инфратузилма — хавфсиз ҳаёт гарови. Йўл инфратузилмасини яхшилашга қаратилган “Хавфсиз йўл” миллий дастури ва бунинг учун алоҳида жамғарма ташкил этилиши партияимизнинг

йўлларни ривожлантириш, пиёдалар учун хавфсиз шароит яратиш борасидаги ғояларига тўла мос келади. Айниқса, бу борада муаммоларни аниқлаш ва маблағларни уларга йўналтиришда аҳоли фикрини ўрнатиш электрон порталнинг ишга туширилиши шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашда улкан қадамдир.

Партияимиз ушбу дастур доирасида янги қуриладиган ва таъмирланадиган йўлларни босқичма-босқич цемент-бетон қопламасига ўтказиш масаласини кўриб чиқишни таклиф қилади. Бу, дастлабки харажатлари юқориқроқ бўлса-да, узок

йиллик чидамлилиги ва кам таъмирталабига эвазига ўзини тўлиқ оқлайдиган, стратегик жиҳатдан тўғри сармоядир. Учинчидан, йиғилишда жамоат транспорти фаолиятини субсидиялаш, йўналишларни оптималлаштириш ва ташувчиларнинг масъулиятини ошириш бўйича белгиланган вазифалар партияимиз дастурий мақсадларида қайд этилганидек, тартибга солинган график, электрон тўлов тизими ва қулай транспорт воситалари шаҳарларимиздаги тирбандликни камайтириш ва фуқароларнинг вақтини тежашга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, “Адолат” социал-демократик партияси йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ислохотларни, Президентимиз томонидан белгиланган барча вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Биз фуқароларимиз хавфсизлигига дахлдор ташаббус ва вазифаларнинг амалга оширилишида, тегишли қонунчилик базасини такомиллаштиришда фаол иштирок этишга ва ижро устидан қатъий парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга тайёрмиз. Зеро, ҳар бир фуқаронинг хавфсиз ва адолатли муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш — барчамизнинг бурчимиздир!

Депутат минбари

Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини

ўзаро конструктив, халқчил тизимда ривожлантиришимиз керак

Умуман олганда, ҳар қандай масъулиятли ишда қилинган хато учун жавобгарлик ҳам муқаррар бўлади. Лекин ушбу қараш иложи борича тиббиётга дахл қилмаслиги керак. Англаганингиздек, унинг товони инсон ҳаёти билан ўлчанади. Шунинг учун соҳадаги ҳар бир қарор, ҳар бир тавсия ва ҳар бир рецепт икки муҳим жиҳат — амалий натижа ва виждонан ёндашувга асослашни мақсадга мувофиқ.



Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Бироқ бугун тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида ишлайдиган шахсларнинг ўзаро муносабатида аниқ ва шаффоф чекловлар бўлмаса, сукут сақлаётган манфаатдор тизим янада “гуркирайди”. Тавсия қилинаётган дори воситаси беморнинг эҳтиёжи учунми ёки “ҳамкорлик” воситаси — сўроқ остида қолади.

Этибор беринг, фармацевтика компаниялари дунёнинг кўплаб давлатларида тиббиёт ходимларига бевосита ёки билвосита таъбир ўтказиш имконини чеклайдиган қатъий стандартларга риоя қилади. Масалан, *Жанубий Корея, Германия, Францияда тиббий мутахассисга берилмайдиган ҳар қандай ҳадя — тўлиқ шаффоф, очик ва назоратда. Бозор иқтисодиётининг марказида турган АҚШнинг ўзида ҳам шифокорларнинг фармацевтика билан тижорат алоқалари оммага ошкор қилинади. Нега? Чунки даволаш масъулияти маркетинг ҳисоби билан аралашганда, касб бетарафлигидан асар ҳам қолмайди. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз бу масалага сукут билан эмас, масъулият билан ёндашишимиз керак.*

Чунки бемор учун тайинланаётган ҳар бир дори — фақат танага таъсир қилмайди. У шифокорга бўлган ишончни ё йўқотди, ё мустаҳкамлайди. Агар бу қарорлар ортида маркетинг, рағбат, пакет, муккофот, реклама, “вилоятдаги семинар”лар, кўнгилочар тадбирлар турадиган бўлса, бундай тизимдан ҳамма тенг манфаат оладими? Асло йўқ. Бу йўлдаги бирдан-бир ечим — шаффоф ва аниқ тартиблар орқали тиббиёт ходимлари ва фармацевтик тармоқ ўртасидаги ҳар қандай манфаатдорлик алоқаларининг олдини олиш. Шу билан бирга, дори воситалари, тиббий буюмлар, биологик фаол қўшимчалар ва тиббий техникаларнинг муомаласида ҳам назорат, масъулият ва давлат органларининг ролин кучайтириш имконияти кенгайди.

Бизнинг мақсад — тиббиёт ва фармацевтика тармоғини конструктив, халқчил тизимда ривожлантириш. Аммо буни фақат кодификация ёки расмийчилик учун эмас, балки очиклик, жавобгарлик ва мустаҳкам инсоний тамойиллар билан химоя қилишимиз керак. Чунки бемор учун ҳар бир дори воситаси шунчаки кимёвий модда эмас — бу умид. Ва умиднинг ортида тижорат эмас, амалий натижа туриши шарт.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ — ЮРТИМИЗ БОЙЛИГИ



“Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан амалга оширилаётган “БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ — ПАРТИЯ ЭЪТИБОРИДА” лойиҳаси доирасида мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, уларда учраши мумкин бўлган баъзи касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, бу лойиҳа орқали болалар орасида тез-тез учрайдиган “ясси оёқлик” (плоскостопие) ва “сколиоз” (умуртқа қийшайиши) каби касалликлар бўйича ўрганиш ишлари олиб борила-япти, тиббий кўриклар йўлга қўйилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ҚУЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУР



30 июль дунё миқёсида — Одам савдосига қарши курашиш халқаро кун сифатида белгиланган. Ушбу сана муносабати билан “Адолат” социал-демократик партияси томонидан июль ойи мамлакатимиз миқёсида “БИЗ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИМИЗ” ҲУҚУҚИЙ-ТАРҒИБОТ ОЙЛИГИ сифатида эълон қилинди.

Ушбу ташаббуснинг асосий мақсади — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига жиддий хавф солувчи одам савдосидек жирканч жиноятга жамоатчилик эътиборини қаратиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, жабрланувчиларни химоя қилиш механизмларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, фуқароларни онгли равишда ушбу муаммога қарши курашга сафарбар қилишдан иборат.

Одам савдоси — бу фақат бир мамлакат ёки минтақага хос муаммо эмас, балки бутун инсоният хавфсизлигига таҳдид солаётган глобал иллат. Жаҳон

миқёсида ҳар йили миллионлаб инсонлар, айниқса, аёллар ва болалар алдов, зўравонлик ва таҳдид билан эксплуатация қилинади. Уларнинг тақдири ортида турган жиноий схемалар ва молиявий манфаатлар одам савдосини дунёдаги энг даромадли жиноят турларидан бирига айлантирган.

Ўзбекистонда ушбу муаммони бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва профилактик чоралар давом этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан махсус давлат комиссияси ташкил этилган бўлиб, турли идора ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда, “Адолат” СДП маҳаллий кенгашлари ва давлат идоралари ҳамкорлигида оммавий тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

1 Манфратли “хамкорлик”

ЖАМИЯТДА ТИББИЁТГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ ИЗДАН ЧИҚАРАДИ

Яхши маълумки, бугунги кунда дори-дармон маҳсулотлари фақатгина шифо воситаси эмас, балки миллиардлаб доллар айланган улкан бизнес тармоғига айланиб улгурди. Тиббиёт эса ушбу бизнеснинг ривожланишига кўп ҳолда йўл очиб берапти. Яъни, шифокор ва фармацевт агенти ўртасидаги муносабатлар айрим ҳолатларда ижтимоий масъулиятни четлаб ўтиб, турли корпоратив манфаатлар эвазига кенгаймоқда.



Зухриддин МАВЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Лекин бу турдаги ҳар қандай ноқонуний алоқа нафақат тиббий мустақилликни, балки жамиятдаги энг муҳим қадрият – тиббиёт тизимига бўлган ишонччи ҳам издан чиқаради.

Шу сабабдан, бугун агент ва шифокорнинг инсон саломатлиги устида кечаётган манфаатдор “хамкорлиги”га қарши курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки шифокор ҳар қандай вазиятда касбий нейтраллигини сақлаши, бемор манфаатини шахсий фойдадан устун қўйиши керак. **АММО РЕАЛ ҲАЁТДА БИЗ НИМА КЎРЯМИЗ? ТИББИЁТ ХОДИМИГА МУАЙЯН ДОРИ ВОСИТАСINI ТАЙИНЛАШИ УЧУН “РЕКЛАМА ТАДБИРИ” НИКОБИДА ТАШҚИ ДАВЛАТГА САЁХАТ ТАКЛИФ ЭТИЛЯПТИ ЁКИ КОМПАНИЯ ВАКИЛЛАРИ ТАҚДИМОТЛАРДАН КЕЙИН УЛАРНИНГ ҚЎЛИГА “РАМЗИЙ СОВҒА”ЛАР ТУТҚАЗМОҚДА. БУ НАФАҚАТ КАСБ АХЛОҚ-МЕЪРИГА ЗИД, БАЛКИ ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАГА ПАНЖА ОРТИДАН ҚАРАШ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Негаки, соҳадаги манфаатлар тўқнашуви шундай нозик масалаки, у ҳатто ҳуқуқ-бузарликкача етиб бормай туриб ҳам шифокор қарорининг ҳолисчилигига шубҳа уйғотади. Демак, **вазият шундай давом этса, бутун тизимга бўлган ишонччи емириш учун биргина шубҳа ҳам етарли бўлиб қолади.** Фармацевт компаниянинг дори сотишдаги асосий мақсади – **бозор улушини ошириш.** Бу табиий ҳолат. Аммо шифокорнинг мақсади – **инсон ҳаётини асраш.** Уларнинг йўналишлари кесишган жойда **қаттиқ ҳуқуқий ва ахлоқий чегара бўлиши шарт.**

Шу боис, шифокорнинг дори воситасини тайинлаш орқали моддий манфаат кўриши, компаниянинг ушбу жараёнда бевосита ёки билвосита иштирок этиши, тадбирлар баҳонасида “**юқори савияда меҳмондўстлик**” кўрсатилиши, тақдиротдан сўнг, кўнгилчор дастурлар орқали мутахассислар таъсирга олиниши каби ҳолатлар қатъий равишда чекланмоғи керак. Бу – шахс эркинлигига қарши чеклов эмас. Бу – жамият ишонччини ҳимоя қилиш, тиббиётнинг инсонпарварлик қиёфасига пурит етказмаслик ҳаракатидир. Зеро, инсон ҳаёти – бирорта ҳам компаниянинг тарғибот бюджетига қурбон бўлмаслиги керак ва шифокор ҳеч қачон дори сотувчисига айланмаслиги лозим.

Инсон соғлиғи

ҲАММА НАРСАДАН УСТУН ТУРАДИ

Янада аниқроқ айтсам, соғлиқни сақлаш тизимида шифокор билан бемор ўртасидаги муносабат бир-бирга қарама-қарши эмас, балки ишончга асосланган ўзаро масъулиятли хамкорлик саналади. Аммо ушбу ижтимоий қадрият даражасидаги муносабат манфаатдорлик асосига қурлис, даво ва муолажалар сифатсиз бўлиши турган гап. Айни пайтда тиббиёт ва фармацевтика ўртасидаги ўзаро таъсирлар, айниқса, яширин ва билвосита алоқаларнинг барчаси соғлиқ учун қабул қилинадиган танловларда шубҳани кучайтирмоқда. Буни мисоллар тасдиқлапти.



Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Сифатсиз дори воситалари инсон ҳаётига таъсир этган воқеалар ҳали-ҳануз жамият хотирасидан ўчмаган. Энг даҳшатлиси, бундай оқибатлар баъзан тасодиф эмас, балки масъулиятсизлик, назоратсизлик ва манфаатдорлик турларининг оқибати бўлиб қилади. **Хорижий мамлакатда ишлаб чиқарилган сиропни болаларга тасвир қилган шифокор унинг таркибидеа меъёрдан 300 баравар ортқ захарли модда борлигини билганми? Йўқ, балки билмиши шарт ҳам эмасди. Лекин бу ўринда шундай савол туғилади: у нега айнан шу воситани танлади? Бунга ким, нима таъсир қилди?**

Дунё таърибидеа кўрсатмоқдаки, шифокор ва фармацевтика ташкилоти ўртасидаги муносабатлар очик, масъулиятли ва манфаатдан холи бўлиши лозим. Жамият фармацевтика соҳасидаги етакчи ташкилотларда бу борада аниқ меъёрлар белгиланган: мутахассислар дори тасвир этгани учун ҳеч қандай рағбат олмаслиги шарт. Чунки рағбат бўлган жойда ҳолис қарор йўқолади. Бир қарашда “**оддий меҳмондўстлик**”, “**оддий тақдирот**” ортида кимнингдир яширин манфаати мавжуд бўлиши мумкин. Бунинг натижасида шифокор оқибатини тўлиқ тушуниш ёки тушунамасдан беморга берган тавсияси, беморнинг ҳаётига жуда катта салбий таъсир ўтказиши ҳам мумкин.

Тиббиёт ахлоқ устунлигини йўқотмаслиги учун унда адолат, очиклик ва профессионал масъулият устувор бўлиши шарт. Бу фақат бир соҳанинг ички масаласи эмас – бу жамиятнинг инсон ҳаётига бўлган муносабати, давлатнинг ишончга қай даражада хизмат қилиши, ҳар бир фуқаронинг ҳақсизлик қафолати демокдир. Агар шифо бериш беғараз бўлмаса, касб муқаддаслигини йўқотади. Шу сабаб, тиббий қарорга таъсир этувчи ҳар қандай яширин кучлар – улар хоҳ молиявий, хоҳ маъмурий бўлсин – кескин инкор этилиши керак. Инсон ҳаёти ва соғлиги ҳар қандай “манфаатлардан” устун туриши шарт.



ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ – ЮРТИМИЗ БОЙЛИГИ

1 ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Ушбу тадбирлар доирасида партия фаоллари ҳамда соҳага ихтисослашган мутахассис шифокорлардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди. Улар томонидан Урганч шаҳрида жойлашган “Basic English” ва “Kiteland” номли нодавлат мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болалар орасида тиббий кўриклар ўтказилди. Бу кўриклар давомида болаларнинг умуртқа соҳасидаги ҳолати, оёқ тузилиши, тўғри юриш ва туриш қобилиятлари, шунингдек, касалликлар эҳтимоли аниқланиб, зарур ҳолларда тегишли тавсиялар берилди.

Тиббий кўриклар натижалари болалар соғлигини муҳофаза қилишда бевосита амалий аҳамият касб этади. Барвақт аниқланган касалликлар келгусида жиддий ортопедик муаммоларнинг олдини олади. Шу боис, партия ташаббуси билан амалга оширилаётган бу каби лойиҳалар нафақат тиббий жиҳатдан, балки ижтимоий-маънавий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, бундай лойиҳалар орқали ота-оналарда ҳам бола соғлиғига нисбатан масъулият туғғуси ошади, мактабгача таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган эътибор кучаяди. Бу эса, ўз навбатида, болаларнинг жисмоний ривожланиши билан бир қаторда, руҳий ва маънавий баркамоллигини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Адолат” социал-демократик партияси томонидан амалга оширилаётган “Болалар саломатлиги – партия эътиборида” лойиҳаси доирасидаги ушбу тиббий тадбирлар ёш авлод соғлиғини асраш, уларнинг соғлом ўсиши ва камолотга етишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бу савий-ҳаракатлар орқали партия жамиятнинг энг нозик қатлами – болалар соғлиғини таъминлашда фаол ва масъулиятли иштирокчи сифатида намоён бўлмоқда.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

“Адолат” социал-демократик партияси Навбахор туман кенгаши томонидан амалга оширилаётган “Болалар саломатлиги – партия эътиборида” лойиҳаси доирасида соғлом авлодни тарбиялаш, болаларнинг жисмоний ривожланишини тизимли равишда кузатиб бориш ва турли хасталикларнинг олдини олиш мақсадида қатор амалий чора-тадбирлар ўтказилмоқда.

Шу йўналишдаги навабдаги тадбир Навбахор туманидаги “Янги йўл” маҳалласида жойлашган 7-сонли давлат мактабгача таълим муассасасида ташкил этилди. Унда тарбияланаётган 146 нафар болалар ортопед шифокорлар иштирокида махсус тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўрик жараёнида болаларда кўп учрайдиган ва кўпинча етарли эътибор берилмайдиган “ясси оёқлик” ва “сколиоз” (умуртқа қийшайиши) каби касалликларни барвақт аниқлашга қаратилган диагностика ишлари амалга оширилди.

Партия ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирнинг асосий мақсади – болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, суяк-мушкул тизими билан боғлиқ эрта белгиланадиган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш. Шунингдек, болаларнинг тўғри юриши, тананинг тўғри ўсишини таъминлаш, келгусида уларда суяк тузилишига боғлиқ касалликлар ривожланишининг олдини олиш каби муҳим вазифалар ҳам кўзда тутилган.

Тиббий кўрик натижаларига кўра, баъзи болаларга мутахассис тавсиялари асосида даволаш ва муолажа курсларини ўташ, ортопедик воситалардан фойдаланиш ва машқлар комплексини бажариш тавсия этилди. Бу эса болаларнинг жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда келгусида уларнинг соғлом ҳаёт тарзи асос бўлади.

Шу каби профилактик тадбирлар нафақат тиббий аҳамиятга эга, балки ота-оналар ва тарбиячилар орасида ҳам бола саломатлиги борасидаги билим ва онгни оширишга хизмат қилади. Бу эса бутун жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Лойиҳанинг кейинги босқичларида Навбахор

туманидаги бошқа мактабгача таълим муассасаларида ҳам шу каби профилактик тиббий кўрикларни ташкил этиш режалаштирилган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Юртимизда ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш, болаларни жисмонан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш давлат ва жамият олдидаги муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда Қўбрай туманидаги 29-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотидеа болалар саломатлиғига бағишланган навабдаги тиббий кўрик ташкил этилди.

Тадбир доирасида мазкур таълим муассасасида тарбияланаётган болалар соғлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Тиббий кўрик ҳар бири болани индивидуал ҳолда кўрик натижалари асосида даволаш, профилактика ва реабилитация бўйича амалий тавсиялар берилди.

Шунингдек, ортопедик муаммоларга дуч келган болалар учун махсус машқлар, тўғри юриш ва туришни шакллантиришга қаратилган комплекс чоралар ҳақида ҳам маълумотлар тақдим этилди.

Тадбир жараёнида ота-оналарга болаларнинг суяк-мушкул тизимини тўғри ривожлантириш, тўғри оёқ қийим танлаш, фаол ҳаракат ва жисмоний фаоллиқни таъминлаш орқали касалликларнинг олдини олиш борасида тавсиялар берилди.

Бундай тиббий кўриклар, аввало, болалардаги ортопедик муаммоларни эрта босқичда аниқлаш имконини берса, иккинчидан, уларнинг соғлом ўсиши ва тўғри жисмоний ривожланишига кенг йўл очади. Шу боис, бу каби тадбирлар нафақат тиббий жиҳатдан, балки тарбиявий, ижтимоий ва маърифий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ташкилот раҳбарияти келгусида ҳам бундай тиббий кўрикларни мунтазам равишда ўтказишни режалаштирмоқда. Бу эса фарзандларимизнинг соғлом ҳаёт сари қадам ташлашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ

“Адолат” социал-демократик партияси томонидан амалга оширилаётган “Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур” лойиҳаси доирасида мамлакатимиз бўйлаб мактабгача таълим муассасаларида болалар саломатлиғига бағишланган тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Ушбу лойиҳа орқали ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш, уларда учраши мумкин бўлган суяк-мушкул тизими билан боғлиқ муаммоларни эрта босқичда аниқлаш ва олдини олиш мақсад қилинган.

Жорий ҳафтада “Адолат” СДП Оқолтин туман кенгаши депутати Ёқуб Бердиёров ташаббуси билан тумандаги Навойи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидеа жойлашган “Илму одоб чашмаси” давлат-хусусий шерикчиликдаги мактабгача таълим ташкилотидеа тарбияланаётган болалар учун махсус тиббий кўрик ташкил этилди.

Тадбир давомида малакали шифокорлар томонидан болалар “ясси оёқлик” (плоскостопие) ва “сколиоз” (умуртқа қийшайиши) каби ортопедик касалликлар юзасидан кўриқдан ўтказилди. Шифокорлар ҳар бир боланинг жисмоний ҳолатини синчиклаб таҳлил қилди ҳамда айрим ҳолатларда мутахассис тавсиялари ва профилактик чора-тадбирлари белгиланди.

– Ясси оёқлик ёки ясситовонлик – болалар орасида энг кенг тарқалган, кўпинча етарли даражада эътибор берилмайдиган таянч-ҳара-

кат аъзолари билан боғлиқ касалликлардан биридир. Ота-оналар бу ҳолатни оддий деб қабул қилишади, бироқ у вақт ўтиши билан умуртқа бўйлама орқилар, оғир юриш, бош оғриғи ва ҳатто ички органлар фаолиятига таъсир қилувчи асоратларга олиб келиши мумкин, – дейди депутат Ёқуб Бердиёров. – Бу касалликда товон қўсимдаги амортизация функцияси бузилади, натижада ҳаракат чоғида юк тенг тақсимланмайдди. Агар ушбу муаммо барвақт аниқланса ва зарур муолажалар ўз вақтида бошланса, унинг олдини олиш, ҳатто тўлиқ бартараф этиш ҳам мумкин.

Бундай кўриклар нафақат тиббий жиҳатдан муҳим, балки болаларни соғлом ривожлантириш, уларнинг келажақда жисмоний ва маънавий баркамол шахс сифатида камол топиши учун мустаҳкам замин яратаяди. Шу боис “Адолат” СДП томонидан амалга оширилаётган бу каби тадбирлар аҳолининг кенг қатламлари орасида юқори баҳоланмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида Оқолтин туманидаги бошқа таълим муассасаларида ҳам тиббий кўрик ва профилактик учрашувларни ташкил этиш режалаштирилган.

СУРХОНДАРЭ ВИЛОЯТИ

Болалар соғлиғига бағишланган профилактик тадбирлар Сурхондарэ вилоятида ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Шундай тадбирлардан бири яқинда Жарқўрган туманида ташкил этилди. Унда “Адолат” СДП Жарқўрган туман кенгаши ҳамда туман Тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида тумандаги 84-сонли нодавлат мактабгача таълим ташкилотидеа тарбияланаётган болалар учун тиббий кўрик ўтказилди. Кўрик асосан болалар орасида кенг тарқалган ва кўпинча барвақт эътибор берилмайдиган “ясси оёқлик” ва “сколиоз” каби ортопедик касалликларни аниқлашга қаратилди.

Тиббий текширув давомида муассасида таълим олаётган 45 нафар бола мутахассис шифокорлар томонидан чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказилди. Ҳар бир боланинг жисмоний ҳолати, юриш тарзи, умуртқа ҳолати ва оёқ тузилишига алоҳида эътибор қаратилди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан шифокорлар томонидан болаларнинг ота-оналарига тегишли тавсиялар ва даволаш режалари тақдим этилди.

Шу билан бирга, ота-оналар ўртасида мазкур касалликларнинг сабаблари, асоратлари ва уларнинг олдини олишда қандай чора-тадбирлар кўриш лозимлиги ҳақида батафсил тушунтириш ишлари олиб борилди. Жумладан, болалар учун тўғри оёқ қийим танлаш, жисмоний машқларнинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзи ва овқатланиш тартибига риоя қилиш каби масалаларга ҳам алоҳида ургу берилди.

Тадбир якунларига кўра, ортопедик муаммоларга дуч келган болалар учун ихтисослашган тиббий муассасаларга юбориш, физиотерапия ва реабилитация курсларини ўташ бўйича йўл-намалар тайёрланди.

“Адолат” СДП Жарқўрган туман кенгаши ва маҳаллий тиббиёт ходимлари томонидан бундай тадбирлар мунтазам равишда давом эттирилиши, тумандаги бошқа мактабгача таълим муассасаларида ҳам шунга ўхшаш профилактик текширувлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Бундай амалий чора-тадбирлар болаларнинг соғлом ўсиши, уларнинг жисмоний баркамоллиги ва келажақда ҳар томонлама ривожланган авлодни вояга етказишда муҳим қадам ҳисобланади. “Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур” шиори остидаги ҳар бир ташаббус ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ушбу тиббий кўриқлар — “Адолат” СДП томонидан болалар саломатлиги йўлида олиб борилаётган амалий ишлар самараси сифатида эътироф этилмоқда. Лойиҳа доирасидаги бундай тадбирлар нафақат болалардаги ортопедик муаммоларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, балки ота-оналарнинг тиббий маданиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Партиянинг соғлом авлод тарбиясига қаратилган бу каби ташаббуслари келажақда жисмоний баркамол, фаол ва маънан етук авлодни шакллантиришда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

ЗАМОНАВИЙ ҚУЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУР

1 ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Мўйноқ туманида "Одам савдосига қарши кураш" мавзусидаги маърифий тадбирлар кенг қамровли тарғибот ишлари билан уйғунлаштирилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, фаол ёшлар гуруҳлари ва нодавлат ташкилотлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Уларда сўзга чиққан ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари одам савдосининг турлари — меҳнат, жинсий ва орган савдоси, мажбурий никоҳ каби ҳолатлар ҳақида аниқ мисоллар келтирди. Аҳолига бу жиноятга қарши курашда қандай ҳуқуқий чоралар борлиги, жабрланувчиларга қандай ёрдам кўрсатилганлиги тушунтирилди.

Ёшлар орасида одам савдосига қарши психологик иммунитетни шакллантириш мақсадида интерактив тренинглар ўтказилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ
Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ҳам пойтахтимизнинг қатор ташкилотларида "Биз одам савдосига қаршимиз" шиори остида ҳуқуқий тарғибот акцияси ташкил этилмоқда. Жумладан, "Адолат" СДПнинг Миробод туман кенгаши томонидан "Банокатий" маҳалла фуқаролар йиғинида тарғибот тадбири ташкил этилди. Тадбирда партия фаоллари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Суҳбат давомида иштирокчиларга одам савдоси қурбонига айланган хавфларни олдиндан аниқлаш, ҳимоя чораларини кўриш ва бундай ҳолатга дуч келганда қилмаларга мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида ҳуқуқий маълумотлар етказилди. Шунингдек, инсонлардан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, ишончсиз манбалар билан боғлиқ тақлифларга учмаслик, айниқса, хорижга ишлаш учун чиқишда расмий ва хавфсиз каналлардан фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
Избоскан туманидаги 6-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида "Одам савдосига қарши биргаликда курашамиз!" мавзусида ҳуқуқий-тарғибот тадбири ўтказилди. Тадбирда иштирокчиларга "Яна йиғилишимиз..." дея оғрингани бор гап. Бироқ кираверишда ижодкор ёшларнинг айна шу мавзуда чиқарган расмлари уларнинг эътиборини тортди. Алдовнинг асири бўлган ёшлар, ўз яқинини қуллик исканжасига ташлаган виждонсиз кимсалар, мажбурий меҳнатнинг оғир юкини кўтара олмай саломатлигини йўқотганлар, фарзандини пуллаган оналар... Мавзулар жиддий ва ташвишланарли. Суратлар олдида бир дам тўхтаганлар ҳушёр тортишди.

"Адолат" СДП Избоскан туман кенгаши, туман адлия бўлими ва туман ИИБ ҳамкорлигидаги давра суҳбати иштирокчиларнинг фаоллиги остида ўтди. Дастлаб одам савдоси жиноятчилиги, унга қарши курашиш ва бу борадаги қонунчиликка бағишланган маърузалар тингланди. Дунё аҳлини ташвишга солаётган бу жиноятнинг олдини олиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилаётганига қарамай унинг асирга айланаётганлар учраб тургани ташвиш билан тилга олинди.

— *Жиноятни келтириб чиқарувчи асосий омилардан бири бу мажбурий меҳнат, — дейди халқ депутатлари Избоскан туман Кенгаши депутати Дилфуза Аҳмедова.* — Маълумотлар шунини кўрсатмоқдаки, жиноят қурбонига айланганларнинг аксарияти ноқонуний йўл танлаганлар. Аниқроғи, хорижий давлатларда ишлаш учун бораётганларнинг қўлчилиги қонунларимизга амал қилмаган. Уларни бу йўлдан қайтариш мумкин эди. Бунинг учун оиласидагилар ва маҳалладошлари ҳушёр бўлиши керак. Тадбир қатнашчиларига ушбу ҳолатлар тушунтирилди.

Кейинги вақтда Избоскан туманида алдовларга ишониб, тинч ҳаётини йўқотганлар учраб турибди. Ачинарлиси, бу йўлни танлаганлар орасида хотин-қизлар ҳам бор. Бу жамиятнинг оғирлиги жойи. Агар одам савдосига қарши жамоатчилик биргаликда курашмаса, бу жиноятчилик барҳам топмайди.



БУХОРО ВИЛОЯТИ
Бухоро давлат тиббиёт институтида бугунги кундаги долзарб мавзулардан бири — одам савдосига қарши курашиш бўйича давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирга халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати Гаухар Жарилқасимова бошчилиги қилди. Унда институт профессор-ўқитувчилари, талабалар, жамоатчилик фаоллари ҳамда мутасаддилар иштирок этдилар.

— *Одам савдоси бугунги кунда нафақат ижтимоий, балки глобал таҳдидга айланган. Уни фақат ҳуқуқий йўл билан эмас, балки маърифат, тушунтириш, огоҳлик орқали жипсовлаш мумкин. Айниқса, ёшлар орасида бу борадаги хабардорликни ошириш долзарб вазифадир.* — деди сўзга чиққан вилоят кенгаши депутати Гаухар Жарилқасимова.

Шунингдек, давра суҳбатида одам савдоси мавзусига оид махсус видеоролик намойиш этилди. Ушбу ролик реал воқеаларга асосланган бўлиб, иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди. Тахлилий суҳбат давомида талабалар ўз фикрларини билдиришди, саволлар бердилар ва интерактив муҳокамада фаол иштирок этдилар.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ
"Адолат" СДП Навой шаҳар кенгаши томонидан шаҳар "Баркамол авлод" болалар мактабида "Биз одам савдосига қаршимиз!" шиори остида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, мутахассислар, ўқитувчилар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Суҳбат давомида одам савдосининг турлари, унинг оқибатлари, бу жиноятдан жабр кўрмаслик учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида атрафлича маълумотлар берилди. Қонунчиликда белгиланган жазолар ҳамда давлат томонидан кўрсатилган амалий ёрдам чоралари ҳақида ҳам сўз борди.

Тадбир иштирокчилари ушбу муаммога қарши курашишда ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши, жамоатчилик назорати ва ҳамжиҳатлик муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди. Шу каби маърифий тадбирлар орқали одам савдосига қарши курашишда жамоатчилик онгини ошириш, жиноятнинг олдини олиш ва ёшларни ҳимоя қилиш мақсад қилинган.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
"Адолат" СДП Учкўрғон туман кенгаши томонидан ҳам шундай тарғибот тадбири ўтказилди. Туман кенгаши раиси Мадина Хўжамбердиева етакчилигида 32-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотиде "Биз одам савдосига қаршимиз!" шиори остида тематик акция уюштирилди.

Тадбирда МТТ мудираси Дилрабо Эргашева мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари ҳамда ходимлари учун мавзуга оид батафсил тушунчалар берди. У ўз сўзида одам савдосининг замонавий кўринишлари, иш ва ўқиш баҳонасидаги алдов схемалари, интернет орқали амалга оширилаётган таҳдидлар ва энг муҳими, бу жиноятнинг ижтимоий-руҳий оқибатлари ҳақида атрафлича маълумотлар берди.

Тарғибот тадбири давомида ёшлар билан очик мулоқот ва баҳс-мунозаралар ташкил этилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
Жамиятда инсон қадрини ҳимоя қилиш, уларни турли таҳдидлардан асраш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ана шундай муҳим масалаларни муҳокама қилиш мақсадида "Адолат" социал-демократик партияси Китоб туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги "Ҳамид Олимжон" маҳалласида жойлашган 84-умумтаълим мактабида "Одам савдосига қарши кураш — давр муаммоси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
Одам савдоси иллати — XXI асрнинг энг жиддий глобал муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон ҳам-жамиятини ташвишга солаётган ушбу хавфли жараён, айниқса, меҳнат миграцияси ва ахборот алмашинувнинг кучайиши шариоатида жиноий гуруҳлар учун ўз қабих ниятларини амалга ошириш имконини яратмоқда.

Халқро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйлаб тахминан 21 миллион киши мажбурий меҳнат қурбонига айланган. БМТ маълумотларига кўра эса, одам савдоси жабрланувчиларининг 71 фоизини аёллар ва болалар ташкил этади.

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида ёшлар иштирокида ўтказилган ҳуқуқий-тарғибот тадбири ҳам "Биз одам савдосига қаршимиз!" шиори остида ташкил этилди. Унда "Адолат" партиясининг Фарғона вилоят кенгаши бош мутахассиси, вилоят "Ёш адолатчилар" қаноти раиси Алимардон Акрамов сўзга чиқди.

У сўзида одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, уларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар ҳаётига салбий таъсири, инсон ҳуқуқларининг топталиши зўравонлик ҳолатлари билан боғлиқ эканини таърифлаб ўтди.

Шунингдек, маърузачи одам савдосига қарши курашда ҳар бир фуқаронинг, жамоатчиликнинг ва давлатнинг масъулияти иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини, бундай жиноятларнинг олдини олишда аҳолини огоҳлантириш, ёшлар ўртасида профилактик тарғибот олиб бориш, шунингдек, жабрланувчиларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

"Адолат" СДП томонидан бундан кейин ҳам ушбу мавзудаги тарғибот-ташвиҳот ишларини мунтазам давом эттириш, маҳаллий аҳоли ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий онгини юксалтириш мақсадида турли учрашув ва маърифий тадбирлар ташкил этиши кўзда тутилган.

Фракция йиғилиши



ЙЎЛ ҚУРИЛИШИДА

янги меъёрлар белгиланмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи ва унинг муҳим сиёсий, иқтисодий натижалари хусусида фикр алмашилди.

Мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик, дўстлик ва иттифоқчилик муносабатларида янги даврни бошлаб бергани қайд этилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган муҳим ташаббусларни фракция аъзолари қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Хусусан, "Автомобиль йўллари тўғрисида" ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан йўл ҳўжалигини ривожлантиришда комплекс ёндашувни таъминловчи ҳуқуқий механизмлар жорий этилмоқда. Йўлларни лойиҳалаштиришда аҳоли фикри ва лойиҳаларнинг атраф-муҳитга таъсирини инобатга олиш ҳамда пидедалар учун "тўсиқсиз" муҳитни яратиш бўйича қатъий талаблар назарда тутилмоқда.

Шунингдек, соҳанинг бошқарув тизimini такомиллаштирилиб, ваколатлар ва масъулият доиралари аниқ белгиланмоқда. Йўл қурилишига илғор технологиялар ва стандартларни жорий этиш устувор тамойил сифатида мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, пулли йўлларни давлат-хусусий шериклик асосида қуриш ва эксплуатация қилишнинг шартлари, шу жумладан, мулкчиликка доир муносабатлар акс этмоқда. Муҳокамаларга бой бўлган йиғилишда қонун лойиҳасидаги нормалар атрафлича кўриб чиқилди. Хусусан, депутат Бехзод Тўхтамурадов қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар кўтарилган саволлар бўйича батафсил тушунтиришлар берди ўтдилар. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича бир қатор тақлифлар беришди.

Савол-жавоблар ва муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Худудлардан хабарлар

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ



Давлатимиз раҳбари томонидан маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш ва камбағалликдан чиқариш бўйича белгиланган вазифалар зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Жамоатчилик билан бу борада аниқ режа асосида иш олиб бориш фаолиятимиз асосини ташкил этмоқда.

Айтиш мумкинки, бу борада олиб борилаётган ишлар аҳоли фаровонлигини ошириш ва бандлигини таъминлаш борабарда турли жиноятчиликларнинг олдини олишга хизмат қилаяпти. Айниқса, ишсизлик ва унинг ортидан юзага келаётган одам савдоси муаммоси ечим топмоқда. Иш билан банд бўлган фуқаро ноқонуний ҳаракат қилмайди, кимларнингдир алдовига учрамайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши фаоллари Балиқчи туманидаги "Қўрғонча" МФЙда бўлдилар. Дастлаб МФЙ фаоллари билан биргаликда хонадонларга кириб бориб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ўргинди. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, кексалар ва имконияти чекланган фуқароларга алоҳида эътибор қаратилди.

— *Маҳалла ёшлари билан алоҳида суҳбат ўтказдик, — дейди "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов.* — Давлатимиз раҳбарининг яқинда фаол ёшлар билан учрашувда билдирган фикрлари етказилди. Уларнинг муаммолари ўрганлиди, тақлифлари билан танишдик. Шу жойда бугун дунё аҳолисини ташвишга солаётган одам савдоси жиноятчилиги тўғрисида ҳам сўз юритилди. Жиноятни келтириб чиқарувчи асосий омилардан бири ишсизлик экани кўрсатиб ўтилди. 11 нафар ишсиз ёшлар аниқланиб, уларнинг бандлигини таъминлашни ўз назоратимизга олдик.

Андижонлик "адолатчилар"нинг ташаббусидан маҳалла аҳли хурсанд.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТНИНГ АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ



Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони тарихий воқелик бўлди.



Садриддин ТУРОБЖОНОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши
депутати, академик

Чунки кейинги йилларда маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини демократлаштириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш масалаларида талайгина ишлар амалга оширилди. Шу маънода иккита муҳим ҳужжатни фикримиз исботи сифатида келтириб ўтасак.

Биринчиси, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституциясининг қабул қилиниши ва унда маҳаллий ҳокимият органларини такомиллаштиришга асос бўладиган конституциявий ҳуқуқларнинг кенгайтирилиши.

Иккинчиси, 2021 йилда “2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармонининг қабул қилиниши бўлди.

Тўғри, бу икки ҳужжатдан ташқари мазкур тизимни такомиллаштиришга оид қатор қонун ва қарорлар ҳам мавжуд.

Бу ҳужжатларда кўзда тутилган мақсад мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадриятларини ҳимоя қилишни рўйбга чиқариш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикчилик муносабатларини ҳал этишда ҳамкорликни кучайтириш, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларда ташаббускорлик ва фаоллиқни қўллаб-қувватлашдан иборат эди. Концепция эса

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узок муددатли истиқболдаги ривожланиш босқичларини белгилаб берди ҳамда турли соҳаларга оид мақсадли дастурлар ва “Йул хариталари”ни ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Бу ҳужжатларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий онги ва дунёқараши ўсди. Шу билан бира давлатчилик тизимида ҳам туб ўзгаришлар юз бериб, ижтимоий давлат табиатига хос бўлган қўллаб-қувватлаш қарор топди.

Ижтимоий давлатнинг асосий ғояси инсон қадрини устуворлигини ҳар жиҳатдан эътироф этишдан иборат. Ижтимоий сиёсат давлатнинг гуманистик табиати, унинг ахлоқий жиҳатдан қонунийлигини акс эттиради. Шундай қилиб, ижтимоий-сиёсат меҳнат бозори ва меҳнат муносабатлари, ижтимоий суғурта, ижтимоий васийлик ва ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой, болалик ва оналик масалалари, пенсия ва демографик сиёсат ва нархларни аниқлатади. Ижтимоий давлат амалиёти муқаррар равишда жамиятнинг ўшбу соҳаларига фаол таъсир кўрсатишни ўз ичига олади. Ижтимоий давлат – бу умумий аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини ўз устуворликларига асосига қўйдиган ва барча фуқароларнинг юксалиши учун кенг имкониятлар яратишга интиладиган сиёсатга асосланган жамиятдир.

Янада аниқроқ қилиб айтганда, Ўз-

бекистон Республикаси янги тахрирдаги Конституциясининг 14-моддасида “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлиги ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”, дейилади. Ана шу конституциявий қонуннинг манتيқий давоми сифатида, “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармони айни пайтда имзоланган, жамиятнинг бундан кейинги ривожланиши ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда иқтисодий муаммоларини ҳал этишда бевосита ижобий аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат бўлди.

Фармонда маҳаллий даражада халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўйбга чиқариш масаласи қўйилган. Унда, жумладан, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ишлаб чиқишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш масаласининг қўйилиши, давлат бошқарувини номарказлаштириш, маҳаллий даражадаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакилларининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакилларига берилётган ҳуқуқий ваколатлар халқнинг маҳаллий ҳокимиятга бўлган ишончини оширади. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ходимлари халққа янада яқинлашади, уларнинг ишончини оқлаш учун ўзларини сафарбар этадилар, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Фармонда фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этишига оид демократлаштириш жараёнларини мустаҳкамлаш ва ижро ҳокимияти органларининг маҳаллий халқ вакиллари олдига ҳисобдорлигини ошириш билан боғлиқ бир неча ижобий томонлари кўрсатиб берилган. **Биринчидан,** аввало, ҳокимликлар ўз тасарруфидаги маблағларни тўғри тақсимлашга ўтадилар, унинг ижросини таъминлашга интиладилар, фаолиятларини очиқ-ошкор амалга оширишга мажбур бўладилар. Иш самарадорлиги янада ортади.

Иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий халқ вакиллари олдига ҳисобдор бўлсалар, бу демократияни мустаҳкамлайди ва демократик кадриятларнинг қарор топиши учун муҳим омил бўлади. Энг муҳим жиҳати, коррупцияга қарши курашда сезиларли даражада самара беради.

Учинчидан, тенглик ва ижтимоий адолат таъминланади. Ижтимоий давлат тенгсизлиқни бартараф этиш, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг имкониятларни таъминлаш буйича фаол иш олиб боради. Бунда дискриминацияга қарши курашиш, заиф гуруҳларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳаракатчилик учун шароит яратиш чоралари

қўрилади. Шундай қилиб, ижтимоий давлатда демократия домий равишда ривожланиб, ўзгарувчан шароитларга мослашиб, фуқароларнинг бошқарувда фаол иштироки ва адолатга интилишини таъминлайди.

Тўртинчидан, демократик институтлар ривожланади ва фуқароларнинг фаоллашувида оммавий аҳборот воситалари ва демократик институтларнинг ривожланиши муҳим роль ўйнайди.

Фуқаролар сайловлар, жамоатчилик муҳокамалари ва қарорлар қабул қилишда иштирок этиш орқали сиёсий ҳаётда фаоллашадилар. Бу демократик жараёнларни мустаҳкамлашга ва маҳаллий ҳокимиятнинг жамият олдига масъулиятини оширишга ёрдам беради.

Хужжатда ижтимоий муҳофаза, ёрдамга муҳтож ва иш топишда қийналаётган, меҳнат бозорига тенг шароитда рақобатлаша оладиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш масаласи ҳам ишлаб чиқилган.

Ишсизларга ижтимоий ёрдам, ишсизлик нафақаси — бу давлат ишидан айрилган ва бандлик хизматида бўлишдан ўтган одамларга бериладиган пул тўловидан иборат. Бу ўринда ҳам ушбу тизимда жаҳон стандартларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларида фуқароларнинг янги иш топиш имкониятини ошириш учун уларни бепул ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этиш белгиланган.

Психологик ёрдам ва маслаҳат — янги вазиятга мослашишга ёрдам бериш, тайёргарликни давом эттириш, иш қидириш кўникмаларини ўргатишга йўналтирилган. Бандлик хизматлари бўш иш ўринлари маълумотлар базасини яратишда, янги иш ўринини топишда ёрдам беради. Ўқитиш ва қайта тайёрлаш — ҳукумат томонидан одамларга излаётган касбларини ўзлаштиришга кўмак берадиган курсларни молиялаштириш масалаларини маҳаллий ҳокимият органлари, халқ сайлаб қўйган туман ва вилоят халқ депутатлар Кенгашларининг доимий эътиборида бўлишини талаб этади. Бу жараёнда қилинадиган ишлар фақат ҳисоботлар учун эмас, халққа фойдаси тегадиган даражада амалга оширилиши керак.

Чунки мамлакатимизда бу муаммони ҳал қилишга катта эҳтиёж борлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун мазкур фармоннинг ҳар бир банди тўла бажарилишидан ҳаммамиз манфаатдоримиз. Бу фармонда миллият, халқ, давлат ва жамият манфаати мужассамлашганини ҳар биримиз юракдан ҳис қилишимиз керак. Ушбу фармонни ҳаётимизга амалий татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш борасида ҳокимият тизими ходимлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлайман.

Ўзбекистон ва Озарбайжон қадимий ва янги тарихда ҳаммиш яқин ҳамкорлик олиб борган давлатлар сифатида дўстона муносабатларни сақлаб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи сўнгги 30 йилликдаги икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим бўрилиш нуқтаси бўлди.

Ўзбекистон – Озарбайжон:

ҳамкорликлар тарихида Янги давр



Мухаррам ДАДАХЎЖАЕВА,
“Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши
раиси

Боку шаҳридаги “Зағулба” қароргоҳида ўтказилган тор доирадаги учрашув ҳамда Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши нафақат икки давлат, балки бутун Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси геосиёсий манзарасида муҳим воқелик сифатида қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев “муносабатларимиз тарихида ҳеч қачон бугунгидек юксак даражада бўлмаган” деб таъкидлар экан, бу сўзлар орқасида икки давлат ўртасида сўнгги йиллардаги сиёсий ишонч, муштарак кадриятлар ва стратегик мақсадларнинг амалий асоси намоён бўлди. Бу галги учрашувнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллиги арафасида ўтди.

Ташриф доирасида имзоланган ўндан зиёд ҳужжат, жумладан, 2025–2029 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси”, саноат кооперацияси, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ хўжалиги, таълим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги келишувлар ҳамкорликни фақат сиёсий эмас, балки барча жабҳаларда институционал даражага олиб чиқмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида 2020 йилда Ўзбекистон – Озарбайжон Ишбилармонлар кенгаши тузилди. Мазкур платформа ўзаро манфаатлар кесишган янги нуқта-ларни аниқлаш ва инвестиция, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган истиқболдаги биргаликдаги ҳаракатларни аниқлаб олиш имконини бермоқда.

2023 йилда икки давлатдаги энг истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон – Озарбайжон қўшма инвестиция компанияси ташкил этилди. Ҳозирда Озарбайжон капитални иштирокида савдо, машина-созлик ва металлургия ишлов бериш, молия ва суғурта, кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар, энергетика, хизмат кўрсатиш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш, озик-овқат саноати, енгил саноат ва бошқа йўналишларда 300 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йигирма беш фоизга ўсиб, бир миллиард долларлик кўрсаткичга яқинлашди. Инвестиция лойиҳаларининг умумий портфели тўрт миллиард долларга етган. Бу рақамлар оддий статистика эмас, улар ортида янги иш ўринлари, маҳаллий ишлаб чиқариш, экспорт салоҳияти ва рақобатбардори маҳсулотлар бор.

Ўзбекистон юрларининг Озарбайжон орқали Европага чиқиши – геосиёсий ўзгаришлар фондида алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатларимиз ўртасидаги транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантиришга оид келишувлар, жумладан, “Ўрта йўлак” лойиҳаси доирасида юк ташиш ҳажми 25 фоизга ошди. Бу – нафақат икки давлат, балки Хитой, Грузия ва Туркияни қамраб олган кенг минтақавий ҳамкорлик тизимига асос солиш даражасида.

Етакчилар иштирокидаги музокараларда Европага электр энергиясини экспорт қилиш буйича қўшма “яшил лойиҳа”ни жадаллаштиришга келишиб олинди. Бу нафақат иқтисодий, балки экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам муҳим. Бугун дунё “яшил иқтисодиёт” сари интилаётган пайтда Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг бу соҳадаги ҳамкорлиги барқарор энергетика келажагини шакллантириши мумкин.

Ташриф доирасида Боку шаҳрида “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйилди. Бу боғ 4,5 гектар майдонда Ўзбекистоннинг миллий мезморчилик анъаналари, маданияти ва анъаналарини намоён этувчи маданий мажмуа сифатида қурилади. Бу рамзий жиҳатга эга лойиҳа нафақат сайёҳлар учун, балки икки халқ ўртасидаги дўстлик тимсоли сифатида ҳам аҳамиятли.



Президентлар Хонкенди шаҳридаги қўшма тикувчилик фабрикаси фаолияти билан танишдилар. 6,2 миллион долларлик лойиҳа доирасида 800 та иш ўрни яратилган. Бундай лойиҳалар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги серқирра ва самарали алоқалар бугунги кунда ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш йўлини ишонч билан давом эттириш имконини берувчи мустаҳкам пойдеворга эга. Ўзбекистон етакчисининг Озарбайжонга ташрифи ва Олий даражадаги музокаралар ушбу жараёнга қўшимча суръат бағишлаши баробарида, икки томонлама муносабатларни янги ва юқори иттифоқчилик даражасига кўтаришга хизмат қилади.

“Мард ўғлон” партиямиз сафида

Яқинда Президентимизнинг “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бир гуруҳ иқтидорли ёшлар ушбу юксак мукофотга сазовор бўлди. Қувонарлиси, мукофотланганлар орасида Жомбой тумани фарзанди, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг магистранти Ферузбек Ҳақимов ҳам бор.

Таъкидлаш жоизки, Ферузбек Ҳақимов 18 мингдан ортиқ жомбойлик тенгдошлари орасида ушбу давлат мукофотини туманга олиб келган биринчи ёш бўлди.

Шу муносабат билан “Адолат” социал-демократик партияси Жомбой туман кенгаши ташаббуси билан туман ахборот-кутубхона марказида мукофот соҳиби билан давра суҳбати ташкил этилди. Унда сўз олганлар Ферузбек Ҳақимовнинг билими, ташаббускорлиги ва интилувчанлиги билан эл эътиборига тушганини алоҳида эътироф этдилар.

Учрашув давомида “Адолат” СДП фаолиятига қизиқиш билдирган Ферузбек Ҳақимов партия сафига қабул қилинди ва партиянинг ёшларга оид лойиҳаларини амалга ошириш ишларига жалб этилди.

Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЖАМИЯТ —

ёшлар сиёсатининг муҳим босқичи

Бугунги глобал дунёда ҳар бир давлатнинг рақобатбардошлиги, аввало, унинг инсон капитали, айниқса, ёш авлоднинг билимли, фаол ва замонавий кўникмаларга эга экани билан ўлчанмоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар тизимининг марказида айнан ёшлар сиёсати тургани, уларнинг илм олиши, креатив салоҳиятини рўёбга чиқариши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишига қаратилган тизимли ёндашув деярли ҳар бир соҳа ривожига ўз натижасини берапти.

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёшлари билан ўтказган учрашувини кузатар эканман, юқоридаги фикрлар нафақат ўз исботини топди, балки бугунги ўзгаришлар пойдеворида айнан ёшлар позицияси, интилиши ва тафаккури қандай муҳим ўрин тутаётганини яна бир бор яққол ангадим. Мулоқот эса шунчаки расмий чиқиш эмас, балки илгари сурилган ғоялар ва фикрлар ёшларга нисбатан ишонч даражаси, уларнинг мамлакат келажагини шакллантиришдаги роли нақадар муҳим эканини кўрсатди.

Масалан, бугунги кунда мамлакатимизда "илм — тарбия — инновация" занжирини асосида йўлга қўйилган тизимли ишлар ўзининг илк самараларини бера бошлади. Юртимиз ёшлари тарихда илк бор дунёдаги энг нуфузли — ТОП-5 талиғидаги олий таълим муассасаларига қабул қилиниб, миллат ифтихорига айланди. Бу — тасодиф эмас, балки юрт раҳбарининг билимли ва етук ёш авлоднинг шакллантиришга қаратаётган доимий эътибори ва яратиб берилаётган имкониятлар самарасидир. Бугунги кунда ҳар бир бола ўз қобилияти, салоҳияти ва билимга чанқоқлиги орқали энг юксак марраларни забт этиши мумкин. Бундай муҳит ва имкон яратилган давлатда келажакка ишонч мустаҳкам бўлади.

Ёшлар фаолиятига берилаётган эътибор фақат таълим соҳаси билан чекланиб қолмапти. Айниқса, ёш тадбиркорлар учун яратилаётган қулай шарт-ш

роитлар, молиявий ва ҳуқуқий кўмаклар натижасида мамлакатимизда янги-янги бизнес лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Фақатгина сўнгги йилда ёшлар ташаббуси билан ташкил этилган 261 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошгани фикримизнинг яққол тасдиғидир. Эътиборлиси, Тошкент шаҳри ёшлари бу борада алоҳида фаоллик кўрсатиб, бизнесда юксак натижаларга эришмоқда. Бу давлат томонидан берилган имкониятлар ва ёшларнинг шижоати, ташаббускорлиги уйғунлигининг натижасидир. Айниқса, замонавий тараққиёт йўлида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган сунъий интеллект соҳасига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Банк-молия, соғлиқни сақлаш, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 100 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Президентимиз ташаббуси билан миллий кадрларимиз ва маданиятимизни ифода этувчи, миллий хусусиятларга эга сунъий интеллект модели ишлаб чиқилаётгани, айниқса, муҳим. Бу борада ёшларимиз томонидан илгари сурилаётган инновацион ғоялар, стартаплар ва технологик ёндашувлар катта аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда давлат бошқаруви тизимида ҳам ёшлар учун кенг йўл очилди. Бошқарув кадрларининг ёшарини бу жараённинг амалий ифодасидир. Агар 2017 йилда 40 ёшгача бўлган раҳбарлар улуши 37 фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу кўрсаткич 65 фоизга етди. Ёшлар вазирлик ва идораларга бирик-



Хусниддин ЭРГАШЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати

тирилиб, тажрибали мутахассислар кўли остида ма-лакали кадрлар сифатида тарбияланмоқда. Бу билан ёшларга нафақат ишонч билдирилмоқда, балки уларга бошқарув тизимида ўзини кўрсатиш учун аниқ платформа яратиб берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги ҳар бир ёш аниқ мақсад сари интиляпти. Давлат томонидан берилган имкониятлар, яратилаётган шарт-шароитлар ва қўллаб-қувватлашлар — барчаси уларнинг етук шахс сифатида шаклланишига хизмат қилмоқда. Биз фақат бир нарсани истаймиз: ҳар бир ёш ўз қобилиятини тўлиқ намоён этсин, билим олиш, тадбиркорлик, фан ва технология, бошқарувада юқори натижаларни қўлга киритсин. Чунки янги Ўзбекистоннинг келажаги — билимли, ватанпарвар ва салоҳиятли ёшларимиз қўлида.

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

катта иқтисоднинг асоси

Иқтисодий саводхонлик

Сизнингча, ўз уйда кичик саргарошхона очган ёки буюртма асосида қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлайдиган ҳамюртларимиз оиласи фаровонлигига қай даражада таъсир қилади? Тўғри, бу бир қарашда кичик тирикчилик манбаи, оддий кундалик машғулотдек туюлиши мумкин. Аммо теранроқ таҳлил қилинса, бу каби микроишбилармонлик ташаббуслари нафақат оилавий иқтисод, балки маҳалла иқтисодиёти, аҳоли турмуш фаровонлигига сезиларли ижобий таъсир кўрсатадиган муҳим омил саналади.



Мавлуда ЯХШИЕВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
"Иқтисодиёт назарияси" кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

Қандай қилиб дейсизми? Аввало, бундай ишларнинг энг катта афзаллиги — уни бошлаш учун катта маблағ талаб этилмайди. Масалан, бир неча иш курилиши ва моддий восита билан саргарошхона ёки кичик қандолатхона фаолиятини бошлаш мумкин. Югур-югур, ижара, транспорт харажатларисиз, уйда ўтириб оилавий бандликни таъминлаш мумкин. Бу эса, аввало, хотиржамликда кундалик моддий эҳтиёжларни қоплаш имконини беради.

Иккинчидан, бундай тадбиркорлик аёллар ва ёшлар учун жуда қулай. Болали она ҳам боласига қараб, ҳам эрига елкадош бўлиб, бу каби фаолият орқали оила бюджетини мустаҳкамлайди. Қолаверса, талабалар — ўқийдиган сўнг торти пишириб сотади, соч олади, чакана ишларни бажаради. Ўзини ўзи таъминлаш ва молиявий мустақиллик ортидан бундай фаолият орқали ички бозорда рақобат ортиб, сифат ва таннархда мувозанат юзага келади. Энг муҳими, маҳаллий миқёсда хизмат кўрсатиш маданияти ошади, инновацияга йўл очилади, "микро" тажриба "макро" ғояларга

йўлбошчи бўлади. Эътибор беринг, кичик саргарошхона ёки хонадондаги мини-кондитер бизнеси кўп ҳолларда катта брендларга айланган. Бунда ҳар бир буюртма — янги мижоз, ҳар бир маҳсулот — жамият ривожига қўшилган қиймат сифатида баҳоланса бўлгани.

Яширишга ўрин йўқ, авваллари тадбиркорлик деганда, кўпчилик кўз олдига молиявий юк, ортиқча югур-югурлар, сон-саноксиз хўжатбозлиги, бюрократик тўсиқлар гавдаланарди. Инвестиция олиш, банкдан кредит маблағи олмақ тугул, ўз-ўзини банд қилиш, бирор хўнара ёки қўл меҳнати орқали даромад топишни ҳам кўпчилик мушкул, ҳатто имконсиз ҳисобларди. Лекин бугун бу тасаввурлар ўзгарди. Тадбиркорлик нафақат узоқ тажрибага эга ишбилармонлар учун, балки оддий инсон — оиладаги онахон, хўнарага эга ёш йигит-қиз, ҳатто талабалар учун ҳам амалиётга айланмоқда. Энг муҳими, юртимизда кейинги йилларда тадбиркорликка нисбатан муносабат тамоман ўзгарди. Давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳолини тадбиркорликка кенг

жалб этиш, ҳар бир фуқаронинг бизнес бошлаш истагини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес орқали аҳоли бандлигини ошириш, даромадини кўпайтириш каби масалалар биринчи даражада турибди.

Бу борада кичик тадбиркорлик билан шуғулланиш нафақат иқтисодиётни жонлантирувчи омил, балки фуқароларнинг фаол, ташаббускор ва эркин фуқаро сифатида шаклланишида асосий аҳамият касб этмоқда. Сабоби, кичик бизнес инсонни мустақил фикрлашга, ҳаракат қилишга, меҳнати ва ақли билан турмушини яхшилашга ундайди. Бу йўлдаги ҳаракатлар одамнинг ўзига ишончини ва жамиятдаги ўрнини белгилаб беради.

Бунда нафақат фаолиятни бошлаш учун берилаётган имтиёзлар, балки тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш буйича яратилаётган институционал асослар ҳам муҳим ўрин тутади. Лекин монополиянинг иқтисодиётга зарар келтириши ҳам бор гап. Шу боис, унинг салбий таъсирини юмшатишнинг энг самарали йўли — кичик тадбиркорликни ривожлантиришдир. Айнан улар бозорда рақобатни таъминлайди, нархларни барқарорлаштиради, тезкор маҳсулот етказиб бериш имконини беради. Кичик тадбиркор ҳар қандай товар етишмовчилигини ҳис этиб, унга зудлик билан жавоб қайтаради. Бир-икки кун ичида бошқа худудлардан маҳсулот етказиб келади, унинг ишлаб чиқарилишини йўлга қўяди. Бу эса, ўз навбатида, бозордаги барқарорликни таъминлайди, талаб-таклиф мувозанатини тиклайди.

Тадбиркорликни бошлаш учун энг асосий нарса — бошлангич капитал. Лекин уни топиш осон эмас. Банк кредитларининг фоиз ставкалари шунчалик юқорики, ҳатто режа тайёр, ният пухта бўлса ҳам, кўп тадбиркорлар пул топа олмайдди. Банклар эса таваккал қилишни истамайди — кафолат сўрайди. Шу туфайли кўп ҳолда йиллар давомида уриниб, омади келмаганлар сони ортиб бормоқда. Бу борада яна бир жиддий муаммо — яхши ниятда юритилаётган яқка тартибдаги тадбиркорлик бошқа кичик корхоналар учун тўсиққа айланаётганидир. Чунки уларга кўпроқ имтиёзлар берилмади, ҳисобот юки кам, назорат эса нисбатан суст. Бу эса юридик шахс сифатида фаолият юритаётган бошқа кичик корхоналарни танг аҳволга солиб қўйиши ҳеч гапмас. Илмий тадқиқотлар ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали рақобатбардош иқтисодиёт барпо этиш мумкин.

Бунинг учун маҳаллий ҳокимиятлар тадбиркорлик учун қулай муҳит яратиши, нарх-наво назоратини таъминлаши, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан

Тадбиркорликни бошлаш учун энг асосий нарса — бошлангич капитал.

Лекин уни топиш осон эмас. Банк кредитларининг фоиз ставкалари шунчалик юқорики, ҳатто режа тайёр, ният пухта бўлса ҳам, кўп тадбиркорлар пул топа олмайдди. Банклар эса таваккал қилишни истамайди — кафолат сўрайди. Шу туфайли кўп ҳолда йиллар давомида уриниб, омади келмаганлар сони ортиб бормоқда.

ҳолда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаши керак. Шунингдек, тадбиркорликнинг мақсади — фақат иш ўрни эмас, балки маҳаллий ресурсларни қайта ишлаш орқали sanoatни ривожлантириш ва мамлакат иқтисодини ошириш бўлиши шарт. Яна туманлар кесимида таҳлил қилиб, улардаги кичик бизнес ўсиш кўрсаткичларини солиштириш, муаммолни худудларга алоҳида дастурлар асосида ёндашиш зарур. Кичик бизнес учун ишлаб чиқаришни ташкил этишда кичкина сармоя билан бозорда ўз ўрнини топиш мумкин. Фақат бунга муносиб шарт-шароит яратилиши лозим. Қишлоқ жойларда тадбиркорликка имкон бериш — аҳоли зич жойлашган худудларда иш ўринлари яратиш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш демакдир. Тадбиркорлик фаолиятининг деярли барча турлари ишлаб чиқариш, молиявий, савдо ва маслаҳат хизматлари соҳаларида ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантирилиши керак. Бундан ташқари, худудларда консалтинг, франчайзинг, лизинг ва бошқа инновацион хизматлар бозор талабига мос равишда ташкил этилиши даркор.

Тадбиркорлик — бу фақат иқтисод эмас, балки жамиятнинг иқтисодий-маданий ривожланишидир. Унда ташаббус бор, интилиш бор, камолотга иштиёқ бор. Лекин бу ташаббус йўққа чиқарилиб, сўнаётган бўлса, демак, тўсиқларни бартарайиш этиш ва тадбиркорни руҳлантириш — бутун давлат ва жамиятнинг вазифасидир. Чунки эртанги барқарор иқтисод айнан бугунги кичик тадбиркорлар қўли билан қурилади.

Сўнгги йилларда савдо-сотиқ соҳаси бутунлай янги босқичга ўтди. Интернет технологиялари, харидорларнинг талабларидаги ўзгаришлар, шунингдек, глобал иқтисодий муҳит бугун савдо субъектларини янги-янги йўналишларда ишлашга даъват этмоқда. "Абу Сахий" савдо маркази ҳам бу ўзгаришлардан четда қолмаган ҳолда, анъанавий савдо билан бир қаторда босқичма-босқич онлайн савдо тизимига ўтиш жараёнини бошлади.

Анъанавий савдодан рақамли савдога:

"Абу Сахий" савдо маркази тажрибаси



Алишер ХУСАИНОВ,
халқ депутатлари Чилонзор туман
Кенгаши депутати
"Абу Сахий" савдо маркази раҳбари

Куйида биз бу йўлда амалга ошираётган асосий босқичлар ҳақида сўз юритамиз.

1. РАҚАМЛИ САВДО ТИЗИМИНИНГ ЗАРУРЛИГИНИ АНГЛАШ

Аввало, жамоамиз билан биргаликда онлайн савдонинг нафақат замонавийлик, балки истиқбол учун стратегик йўналиш эканини англаб етдик. Харидорлар тобора кўпроқ қулайлик, тезлик ва масофадан туриб харид қилиш имкониятларини афзал кўрмоқда. Шу боис, биз бу эҳтиёжга жавоб берадиган рақамли тизимни барпо этишга қарор қилдик.

2. МАХСУС ОНЛАЙН ПЛАТФОРМАНИ ЯРАТИШ
Бугунги кунга келиб, "Абу Сахий онлайн" номи интернет платформамиз устида фаол иш олиб борилмоқда. Ушбу платформа орқали савдо марказимиздаги минглаб тадбиркорлар ўз маҳсулотларини рақамли каталоглар орқали кўрсатиш имконига эга бўладилар. Сайт ва мобил илова орқали маҳсулотлар ҳақида тўлиқ маълумот, нархлар, расм ва видеолар тақдим этилади.

3. СОТУВЧИЛАРНИ РАҚАМЛИ САВДОГА ТАЙЁРЛАШ
Савдо марказида фаолият юритаётган қўллаб-тадбиркорлар онлайн савдода ҳали тўлиқ тажрибага эга эмаслар. Шу боис биз ўқув семинарлари ташкил этдик, тренинглар орқали уларни рақамли савдо маданиятига мослаштирмоқдамиз. Эндиликда ҳар бир сотувчи ўз маҳсулотини онлайн рўйхатдан ўтказиб, мижозлар билан бевосита интернет орқали ишлашга ўргатилмоқда.

4. ЛОГИСТИКА ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ
Онлайн савдо — бу нафақат маҳсулотни интернет орқали кўрсатиш, балки уни тез ва хавфсиз етказиб бериш ҳамдир. Шу мақсадда:

- етказиб бериш хизмати билан ҳамкорлик йўлга қўйилди;
- қадоқлаш ва сақлаш стандартлари ишлаб чиқилди;
- ҳар бир буюртма учун қўрсатиш тизими жорий қилинди.

5. ТЎЛОВ ТИЗИМИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ
Янги онлайн савдо тизимимиз орқали "Ўзқард", "Хумо", "Пейму", "Клик" ҳамда халқаро карталар орқали тўлов қилиш имконияти яратилмоқда. Бу харидорларимизга максимал қулайлик яратади ва уларнинг ишончини оширади.

6. МАРКЕТИНГ ВА БРЕНДНИ РАҚАМЛИ МАЙДОНГА ОЛИБ ЧИҚИШ

"Абу Сахий" брендининг рақамли дунёда танилиши учун ижтимоий тармоқларда расмий саҳифалар очилди, мақсадли реклама кампаниялари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, харидорлар фикри асосида хизмат кўрсатишни такомиллаштириб бормоқдамиз.

7. КЕЛАЖАК РЕЖАЛАР
Яқин келажақда биз куйидаги ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз:

- сунъий интеллект асосида харидорлар учун шахсийлаштирилган таклифлар;
- "Чатбот" орқали 24/7 онлайн ёрдам хизмати;
- тадбиркорлар учун махсус онлайн бозор сегментлари.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, "Абу Сахий" савдо маркази нафақат ўзининг савдо майдони, балки минглаб тадбиркорлар ва миллионлаб харидорлар учун ишончли ҳамкор бўлиб хизмат қилади. Бугун биз бошлаб берган онлайн савдога ўтиш жараёни нафақат марказимиз, балки бутун Ўзбекистон савдо инфратузилмаси учун муҳим қадамдир.

Биз рақамли келажақка ишонамиз ва "Абу Сахий" савдо марказида унга асос солмоқдамиз.



КЕЛИНГ, БИР ЎЙЛАШИБ КЎРАЙЛИК

Мулоҳаза учун мавзу

Шу юртнинг оддий фуқаросиман. Бир неча йилдан буён пенсиядаман. Аммо уйда бекор ўтиргим ёки чойхонама-чойхона юргим келмайди, шунинг учун ҳамон ишлайман – бир ташкилотда қоровулман. Қўлимда озгина хунарим бор: қолган бўш вақтларимда дурадгорлик қиламан, эшик-ром ясайман.



Шораҳим СУЛАЙМОНОВ,
партия фаоли

Ҳаётимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар билан мунтазам танишиб боришга, уларни англашга, тушунишга, зарур ҳулосалар чиқаришга ҳаракат қиламан. Шунингдек, табиийки, кўни-кўшиларим, маҳалладошларим, қариндош-уруғларнинг турмуш таризига разм солиб бораман, жамиятимиздаги ўзгаришлар уларнинг ҳаётига, дунёқарошига қай тарзда таъсир кўрсатаётгани билан қизиқаман. Албатта, бу жараёнда кўз ўнгимизда содир бўлаётган айрим воқеаларга нисбатан шахсий қарашларим, нуқтаи назарларим шаклланади. Қуйида мен уларнинг баъзиларини сизлар билан ўртаклашмоқчиман.

Биз, кекса авлод вакиллари икки давр, икки аср, икки ижтимоий тузилмани кўрдик. Яъни "ривожланган социализм" даврида яшаб туриб, бозор муносабатлари устувор жамиятга ўтдик. Бу эврилишлар даврида турмушимизда оғир кунлар ҳам бўлди, ёруғ кунлар ҳам. Чиндан ҳам, ойнаинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ экан. Балки шу сабабидир, бизларда тўқин-сочин ўтаётган кунларимизга нисбатан шукроналик, ризолик, бу даврнинг қадрига етиш туйғулари кўпроқдек. Айни пайтда, ҳаётини тажрибаларимиздан келиб чиққан ҳолда, кеча ва бугунни қиёслаш, ўз мулоҳазаларимизни билдириб, келажак ҳақида бир фуқаро сифатида қайғуришга бизнинг маънавий ҳаққимиз бор, деб ўйлайман.

Авалло, бир мутлоқ ҳақиқатни эслатиб ўтмоқчиман. Сиёсий тузилмани қандай аталишидан қатъи назар, ҳар қандай давлатнинг таракқиетини, изчил ривожланишини

таъминловчи қудратли куч бор. У ҳам бўлса, илмдир.

Келинг, фикримизни аниқроқ ифода қилиш учун Японияни мисол қилиб келтирайлик. Иккинчи жаҳон урушидан мағлубият аламини тотиб, абгор аҳволда чиққан кунчиқар юртининг иқтисодиёти пароканда эди. Шундай оғир шароитда японлар бор кучларини таълим тизимига қаратдилар. Ҳа, худди шундай бўлди. Ўқитувчиларга вазирнинг маоши, императорнинг обрўси, депутатнинг дахлсизлиги берилди. Ва бу фавуқлода эътиборнинг фавуқлода ижобий самараси тез орада ўзини кўрсатди ҳам. Японлар жуда қисқа фурсат ичида интеллектуал ривожланган халққа, мамлакат эса инновацион технологиялар мамлакатига айланди. Мана, машаққатли илмнинг тотли меваси. Ваҳоланки, японларда алоҳида "Ўқитувчилар кўни" байрами йўқ. Бунинг ўжати ҳам йўқ-да, илло япон ўқитувчиси йилнинг 365 кўни мобайнида иззат-икромда бўлади. Дейлик, дўконга у-бу харид қилиш учун ўқитувчи кириб қолса, шодлик ва ғурурдан дўкон эгасининг боши осмонга етади.

Оврўпонинг кўлаб мамлакатларида ўқитувчи билан кўшни бўлиш алоҳида нуфуз эканлиги хусусида ҳам ўқигансиз, албатта.

Ёки яқин ўтмишимиздан яна бир мисол. Бизнинг авлод бундан бир неча ўн йиллар бурун хитойликларнинг иқтисодиёти қандай аҳволда бўлганини яхши билади. Бугун эса кўриб ва ҳайратланиб турибмиз, қандайдир 30-40 йил ичида мамлакат ақл бовар қилмас даражада юксалиб кетди, ҳатто бу борада Американи кўриб етудай, ундан ҳам ўтиб

кетгудай бўлиб турибди! Бунинг замирида ҳам илм ётганини такрорлаб ўтириш шарт эмасдир.

Азизлар, ҳаммамиз жуда яхши биламиз, бола қалбида илмга муҳаббат боғча ва мактабларда туғилади, айнан шу таълим масканларида шаклланади. Демак, катта кучни, салоҳиятни айнан боғча-мактабларга қаратиш лозим. Шундай тизим яратиш керакки, токи олис вилоятнинг олис қишлоғидаги боғча-мактаб ҳам, шаҳар марказидаги боғча-мактаб ҳам бир хил шароитга, бир хил савияли тарбиячи-устозларга эга бўлсин. Ахир боланинг истеъдодисиз бўлмайди. Ҳамма гап ўша истеъдодни вақтида аниқлаб, унга тўғри йўналиш бера билиш, ривожланиши учун шарт-шароит яратишда.

Афсуски, юртимизда бундай бўлмапти.

Яқинда пойтахтимизга туташ бир туманга бориб қолдик. Эрталабдан йўллар ҳаддан ортқ текилинч. Бунинг сабабини сўрадик. Маълум бўлдики, туман аҳолисининг катта қисми эрталабдан 30-40 километр йўл босиб, машиналарида фарзандларини шаҳардаги боғча-мактабларга олиб боришаркан, тушдан кейин ёки кечқурун уларни олиб қайтишаркан.

Тумандаги барча қишлоқларда, албатта, боғча-мактаб бор экан. Бироқ уларнинг шароити, таълим жараёни ота-оналарни қониқтирмас экан. Сўхбат чоғида бир ота: "Болам бу ердаги мактабга бекорга бориб-келиб, умрини беҳуда ўтказиб юргандан кўра, шаҳар мактабига озорқ бўлса ҳам ўқисин, билим олсин", деб қолди.

Мана, масаланинг илдири қарерида? Агар ўша туман қишлоқларидаги боғча-мактаблар ҳам шаҳардагидек бўлганида эди, шунча ота-оналар, болалар оворай сарсон бўлиб юришмасди...

Ўрни келиб қолди, яна бир муаммони, албатта, айтиб ўтишим керак. Ўша туманга бурганимизда ҳам, маҳалладаги кўни-кўшилар ўртасида ҳам бир хил гапларни кўп эшитамиз:

"Фалончининг номига кимдир кредит олган экан, бечора энди ўзи тўлаб юрибди..."

Пистончи онлайн қимор ўйнаганида барибир ютаман деб ўзининг номига, танишларини номига онлайн қарз олаверган экан. Охири тўлаб олмай, сўраб келгучилардан бекор бўлганидан ўзини осиб қўйибди..."

Фалончининг боласи отасининг

кумига кредит олиб, тунги барда соғуриб юборибди. Мана, энди ота тўлашга мажбур!

Пистончи бизнес қиламан деб кредит олиб, ишлатиб юборган экан, ўзини олиб қўйишибди..." ва ҳоказо.

Нималар бўлапти ахир, қадрлар уй-жойсиз, машинасиз, ерсиз, мулкисиз қолдираётганига гувоҳ бўлиб турибмиз-ку. Умуман олганда, одамнинг ўзини кўрмай-билмай туриб қанақанги кредит бериш мумкин? Фикримизча, мамлакатимизда онлайн кредит беришни буткул тўтатиш керак. Кредит керак одам ўзи шахсан банкка борсин, тамом-васалом.

Яна бир ўта оғриқли масала. Кўпчилигимиз онлайн-қиморда бор-будидан айрилган, баъзида ишхонасининг маблағини ҳам қиморга бой бериб қўйган юртдошларимиз ҳақида ўқиганимиз, эшитганимиз, албатта. Қимор бу асли ҳаром ўйин. Шундай экан, уни тарғибташвик қилишдан, унга ёшларни жалб этишдан кимга наф? Келинг, шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрайлик.

Келинглари, азизлар, шу жараёнда хусусий шифохоналарга нисбатан ҳам бир қадар муносабатимизни билдириб ўтайлик. Негаки, бундай шифохоналардаги кўзига пулдан бошқа нарса кўринмайди оқ халатли "шифокорлар" арзимаган хасталикларга учраган қанчадан-қанча ватандошларимизнинг, ёш-қариларнинг умрига зомин бўлишмоқда... Алҳазар, деймиз, ҳаттоки қайсидир бир шифохонада бемор вафот этганидан сўнг ҳам врачлар унинг яқинларидан пул олаверган, деган гап-сўзлар ҳам қўлоққа чалиниб қолмоқда. Ишқилиб, ёлгон бўлсин. Аммо барибир, бу тизимда қатъий тартиб ўрнатилмас экан, инсоннинг энг бебаҳо бойлиги бўлган соғлиғига нисбатан реал хавф сақланиб қолаверади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Сўзим аввалида таъкидлаб ўтганимдай, шу элнинг фуқароси сифатида кўнглимда йиғилиб қолган фикр-мулоҳазаларни, тақлифларимни сизлар билан ўртоқлашгим келди. Бандаман, балки айрим ўринларда ҳис-ҳаяжонга берилиб, кескинроқ ёзиб юборгандирман. Шу боис, юқоридеки билдирилган ўй-тақлифларим юзасидан сиз азизларнинг фикрларининг бириш қамини учун жуда муҳим. Хуллас, сиз нима дейсиз, азиз газетхонлар? Келинг, дўппимизни бошдан олиб, бир ўйлашиб кўрайлик. Фикрларингизни кутиб қоламан.

БОЛАЛАР ТАЪТИЛНИ МАКТАБ ҚУЧОҒИДА ЎТКАЗМОҚДА

Президентимиз ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътилни мазмунли ташкил этиш ҳамда маърифий, спорт ва ақлий салоҳиятини ошириш, хорижий тилларни ўзлаштиришини ривожлантириш мақсадида "Ёшлар ойлуги" доирасида "Долзарб 90 кун" дастурини амалга ошириш бўйича кўрсатма берганди.

Муҳиддин ОМАД, Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Айни дамда таълим даргоҳларида болаларнинг ёзги оромгоҳларда дам олишини ташкил этиш билан бир қаторда, уларни жонажон мактаблари кучоғига қорлаб, вақтларини мазмунли ўтказишга эътибор қаратилмоқда.

Косонсой туманидаги "Ширинбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 42-умумий ўрта таълим мактабида янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар ўрин алмашишисиз дарсларга қатнаш имконига эга бўлади. Чунки 2025 йилги инфратузилма бўйича ушбу мактабда қиймати 3 миллиард 869 миллион сўмлик, 310 ўринли, қўшимча ўн бир хонадан иборат бино қурилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Айни дамда кунига 150 нафарга яқин ўқувчи "Зарбдор 90 кунлик"ни янгилаш билан бойитилган мактаб ҳовлисида ва ўзгача услубда жиҳозланган синфларда олиб борилаётган машғулотларда ўтказмоқда. Ушбу жараёнда кутубхоначи Ҳавохон Эргашева, ўқитувчилар Зулхумор Донабоева, Муҳайё Жўраева, Шаҳло Абдурахимова, Муяссар Ваҳובהва, Юлдуз Абдуллаева, Дилноза Миртурсинова, Зайнабжон Бойбобоева, Холмамат Зарипов, Исоқжон Ваҳобов, Достон Баҳромов китобхонлик соатлари, спорт мусобақалари, хорижий тил тўғрақлари, маънавий-маърифий суҳбатларда ёш авлоднинг дунёқарошини кенгайтириш ва ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашмоқда.



– "Долзарб 90 кун" лойиҳаси педагог ва ўқувчилар учун муҳим ташаббус бўлди, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари Содиқжон Умрзоқов. – Тўрт чоракли ўқув даврида болаларда толиқиш пайдо бўлади. Президент ташаббуси билан ёзги таътилда уларни турли кўнгулоқ тадбирларга жалб қилинган яхши натижа бермоқда. Кунларини мазмунли ва мароқли ўтказиётган ўқувчилар ихтиёрий таплаган тўғрақларига қатнашиб, жисмоний ва ақлий салоҳиятларини ошириб бормоқдалар.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида ҳам ёзги таътил ўқувчиларнинг нафақат дам олишлари, балки янги билим ва кўникмалар олишлари учун бир қатор санъат ва спорт тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган.

Жумладан, "Долзарб 90 кунлик" чора-тадбирлар режаси асосида туман 1-сонли спорт мактабида партиянинг Шўрчи туман кенгаши ташаббуси билан шу мактабда таҳсил олувчи ўғил болалар ўртасида спортнинг футбол тури бўйича мусобақа ташкил этилди.

Мазкур ташаббус ёзги таътилни мазмунли ва самарали ўтказиш, интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланишга ҳисса қўшиш билан бир қаторда, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда ижтимоий фаоллиқларини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди.

Тадбир сўнггида ўқувчиларга партиянинг эсдалик совғалари ва китоблар ҳадя этилди.

Ҳаёт ўйингоҳга ўхшайди: бировлар курашиш учун келса, бировлар савдо қилиш учун келишади, энг бахтлилари эса томошага келишади.

ПИФАГОР

Уйларингиз, машиналарингиз, аёлларингиз, фарзандларингиз ва таомларингизни суратга олишни тўхтатинглр!

Чунки сизларга барака тилаб дуо қилувчи кўзлардан кўра ҳасадчи, кўролмасларнинг кўзлари кўпроқдир.

Аҳмад исо МАЪСОРАВИЙ

Бахт – бойликда, десангиз, ҳамма бахтсиз. Чунки ақлга кўп нарса керак эмас, аҳмоқ эса барибир тўймайди.

Асқад МУХТОР

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати партиянинг Урганч шаҳар кенгаши раиси Рустамбой Болтаевнинг волидаси **Онабири МАТКАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.